



# ЖАЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

31 май, чоршанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 102 (1104)

## ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвирга олган (ЎЗА).

30 май куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳозирги пайтда кўплаб ривожланган давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатла-

ри билан ҳам самарали иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда, — деди Ислам Каримов. — Яқиндагина ишга тушган «Зарафшон—Нюмонт» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси бунинг яққол мисолидир. Мамлакатимизда жаҳоннинг йирик банклари, молиявий ташки-

лотлар, сармоядорлар ўз вақолатхоналарини очган. Яратилган қулай шарт-шароит хорижий ишбилармонларнинг юртимизда фаолият кўрсатишига катта имкониятлар очмоқда.

С. Соларз самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ишларга юксак баҳо берди. Ўзи бошқараётган жам-

гарманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Ҳ. Султонов, В. Чжен ҳамда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳозир бўлди. (ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛИТВАГА ТАШРИФИГА ДОИР

Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 7-8 июнь кунлари давлат ташрифи билан Литва Республикасида бўлади.

## КОМИССИЯ МАҲЛИСИ

30 май куни Тошкентда мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари, туман ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерт ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама этилди. Ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш бўйича муҳим ўзгаришлар содир бўлаётгани, айниқса, Сағбон кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари диққатга сазовор эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга баъзи алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ишлариغا масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганини, хусусан, шаҳарнинг Қорасарой кўчасида олиб борилаётган тадбирлар талабга жавоб бермаётгани, барча ишларни қатъий жадал асосида икки сменада ташкил қилиш ва уларни жадаллаштириш, аҳолини янги қурилган уйлارга қўчиришни ўз вақтида таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида республика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами шарафига фойдаланиш учун топширилиши лозим бўлган юбилей ишоотлари ҳамда уларда бажарилаётган ишлар кўлами кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди. (ЎЗА).

## ДОНИШМАНДЛИК ФАСЛИ МУБОРАК!

30 май куни пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон халқ шоири, эл арбобидаги атоқли ижодкор, моҳир таржимон ва жамоат арбоби Зулфия хоним таваллуудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Шеърят ва гузаллик шайдолари билан гавжум зал саҳнасида халқимизнинг сеvimли шоираси, муҳаббат ва ҳаёт куйчиси, тантанали кеча бекаси Зулфия хоним, юртимизнинг таниқли шоир-ёзувчилари, олимлар жой олди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов тантанали кечани очиб, садоқат ва вафотимсолига айланган аёл, замонамизнинг забардаст шоираси Зулфия опани Муборак тўйи билан қутлади. Меҳрибон ва талабчан устозининг ижоди иштиқлол руҳи билан янада яшаргани, туркираётгани, шунинг баробарида, шоиранин бугун нишонланаётган қутлуғ таваллуд санаси халқимизнинг миллий байрамига айлангани миллионлаб мухлислар қувончига қувонч қўшганини қайд этди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Зулфия хонимга йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев

қўиб эшиттирди. Таниқли адабиётшунос Иброҳим Фафуров Зулфиянинг ҳаёти ва ижодий йўли, асарларининг ўзига хос қирралари хусусида гапирди.

Кечача, шунингдек, бир қанча адиблар, шоиранин издошлари, қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар вакиллари сўз олдилар. Сўз шеърга, шеър куйга, куй кўшиққа ўланди. Шоиранин шеърларидан намуналар, Зулфия ва Ҳамид Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

Тантаналар сўнггида шоира Зулфия сўз олиб, ўзига, ижодига кўрсатилаётган эъзоз ва эътибор учун миннатдорлик тўла дил сўзларини изҳор этди.

Кечача Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломов қатнашди. (ЎЗА).

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КҮРИЛДИ

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар кўмитасининг конференцияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Шодио Мансурова вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинди. Илгари вилоят ҳокимлиги мутахассислар гуруҳининг раҳбари бўлиб ишлаган Коммуна Исмоилова вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси

этиб сайланди. У лавозимига кўра, вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳам ҳисобланади. Анжуманда республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломов сўзга чиқди. Конференция ишида вилоят ҳокими Т. Хидиров иштирок этди. (ЎЗА).

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқандда олий таълим муаммоларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда республикадаги барча университет ва институт ректор ҳамда проректорлари иштирок этди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов сўзга чиқиб, олий таълим тизимига рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, бу соҳани такомиллаштириш ҳамда етук мутахассислар тайёрлашни жаҳон талаблари даражасига етказиш масалаларига тўх-

талди. Кенгашда таълим жараёнида янги шакллари кенг қўллаш, жумладан, талабалар ва абитуриентлар билимини синовалдан ўтказишда тест усулидан фойдаланиш, ўқитишни техника воситалари ёрдамида олиб бориш вазифаларига алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда вилоят ҳокими П. Абдурахмонов қатнашди. (ЎЗА).

## КЕЛАЖАК — ЁШЛАР КҮЛИДА

Самарқандда ёшларнинг «Талаба баҳори-95» иккинчи республика фестивали низоғига эъти. Унинг ташкилотчилари Ёшлар Иттифоқи Марказий Кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қасба уюшмалари федерацияси кенгашидир. Фестивал республика талабалари ҳаётида катта воқеа бўлди. Ёшлар Иттифоқи Марказий Кўмитасининг иштирокчилари Алишер Тешабоев фестивалнинг қандай ўтгани ва унинг яқинлари тўғрисида ўза мухбирига сўзлаб берди:

«Билим, тараққиёт, келажак» шоири остида ўтган анжуманининг 3 кунга мўлжалланган дастури жуда тизимли эди. Унда республика барча олий ўқув юртиларининг энг яхши талабалари — ўқиш аълочилари, ижтимоий турмуш фаоллари иштирок этди. Ўқитувчилар — профессорлар, академиклар, таниқли олимлар шоғирдлари билан бирга келишди. Шаҳар ҳокимлиги байрам мухитини вужудга келтиришга ёрдамлашди. Самарқандда фестивал иштирокчилари ва меҳмонлар зўр қувонч билан кутиб олинди.

Анжуманининг тантанали очилиши маросими Регистон майдонида ўтди. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдурахмонов фестивал иштирокчиларини табриқладилар.

Сўнгра бу ерда улкан театр томошаси кўрсатилди. Томоша мавзуси рамзий маънога эга. Уни Буюк Турон давлатининг асосчиси Амир Темур давридаги ўрта аср кийимини кийган артистлар бошлаб берди. Сўнгра тарихий воқеаларни тақдорлаб, фақат қудратли давлатни барпо этишгагина қолмай, шу билан бирга унинг пойтахти Самарқанд шаҳрини жаҳон маданият ва илм-фани марказига айлантира олган буюк аждодларимизнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи сахналар томошабинлар кўз олдида бирма-бир ўтди. Бугунги кунда ёшлар халқининг ижодий меросини идорқ этиш, билимга интилиш эстафетасини қабул қилиб олмақда. Шу сабабли, томоша пировардида ёш маданият арбоблари

сахнага чиқиб, ўзларининг истеъодларини намойиш қилдилар.

«Юксак маънавият — келажакнинг асоси» мавзусида Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган илмий конференция фестивал дастуридаги энг муҳим тадбир бўлди. Унда талабалар билан биргаликда республикамажлисининг фанининг турли соҳаларидаги етакчи олимлари иштирок этди. Асосий иш бешта йўналишдаги секция мажлисларида ўтди. Талабалар жуда жиддий масалаларни муҳокама қилдилар. Уларнинг орасида ёшларни мустақиллик мафураси руҳида маънавий жиҳатдан тарбиялаш, иқтисодий ва демократик ислохотларда иштирок этиш масалалари бор. Мутахассислар энг яхши деб баҳолаган маърузалар алоҳида китобча тарзида нашр этилади, уларнинг муаллифлари ўзлари таълим олаётган олий ўқув юртиларида илмий ишларни давом эттириш учун қўшимча имкониятларга эга бўладилар.

Фестивал кунарида ўтказилган республика талабаларининг «Кўнуклар ва аюклар» танловига яқини учрашувнинг иштирокчилари топ-кўнуклари, ҳозиржавоблик ва ўз қарчилари устидан кула олишларини намойиш қилдилар. Унда 3 та энг яхши қолманда — Тошкент давлат техника университети, Тошкентдаги иккинчи давлат тиббиёт институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институти командалари беллашди. Тошкент техника университети командаси танлов ғолиби бўлди. Қизларнинг «Иқбол» танло-

ви ҳам жуда қизиқарли ўтди. Талабалар халқ ананалари ва урф-одатларини яхши билишларини, уй бекаси вазифаларини удалай олишларини намойиш қилдилар.

Фестивал талабалар — ёшларнинг энг фаол қисми эканини яна бир бор намойиш этди. Унинг асосий яқини шундан иборатки, анжуманининг барча иштирокчилари ва меҳмонлари олдид ҳақиқатини — биз қайси миллатга мансублигимиздан қатъий назар, ватанимиз бир эканини яна бир бор кўриб, ишонч ҳосил қилдилар. Фақат ҳамжиҳатлик ва тотувликка асосланган муносабатлар билангина бу ватанин буюк истиқболга эришиш мумкин.

Ҳозир биз иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам демократия тамойиллари пойдеворидан янги давлатни қурмоқдамиз. Маълумки, ёшлар янгиликни тезроқ хис этади. Шу сабабли, уларни миллий тарқоқлик ғоисими ёки Марказий Осиё минтақасида яшовчи барча халқларнинг маънавий бирлиги ғоисими — қайси ғоя руҳлантириши жуда муҳимдир.

Фестивал меҳмонлари — Туркменистон, Қозғистон, Тожикистоннинг Ленинобод вилояти ёшлар ташкилотларининг вакиллари иштирок этган яқини учрашув чоғида таъкидланганидек, фестивалнинг мамлакатни юксалтириши, уни гуллаб-яшатиши йўлида республикамажлиси талабаларига берилаши учун янада кенг-роқ имконият бериш вазифаси бажарилиди. Шунга эмас, бутун минтақа миқёсида ёшларнинг бундай анжуманларини ўтказиш тўғрисида таклиф тушди. Бу таклифнинг амалга оширилиши Марказий Осиё мамлакатлари йигит ва қизларига манфаатлар ва муд-даоларини муштараклигини хис этишга, халқларимиз хозирги даврининг мураккаб муаммоларини фақат биргаликда ҳал этишлари мумкинлигини аниглаб этишга имкон беради.

А. ИВАНОВА,  
Ўза мухбири.

## ИСТИҚБОЛИ ДАСТУРИПАМАЛ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шу йилнинг ўтган тўрт ойи режаларининг бажарилиши, биринчи ярим йилликни муваффақиятли яқунлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 йил 16 майда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Қўмита раиси Т. Набиев маъруза қилди.

Маърузада иқтисодий исло-

хотларнинг амалга ошишида, бозор талабларига жавоб берадиган, пишиқ-пухта замонавий турар-жой ишоотларининг барпо этилишида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш ҳам муайян ютуқларга олиб келиши асослаб, таҳлил қилиб берилди. Шунингдек, қурилиш материаллари сифатида нафақат табиий ресурсларни, балки, ҳўжалик қиндикларини ҳам қўллаш натижасида яхши кўр-

саткиларга эришиш лозимлиги таъкидланди. Бундай ютуқлар «Ўзжамхўжқурилиш» бирлашмасининг фаолияти мисолида кўриб чиқилди.

Жойлардаги тафтиш органларининг лойиҳалаш сифатини ошириш бўйича аниқланган ҳато ва камчиликлари ҳам худди шундай аниқ далиллар асосида кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қодиржон РҮЗИЕВ.

## ФАХРИЙЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Қорақалпоғистонда Уруш ва меҳнат фахрийлари туман ва республика касаба уюшмалари кўмиталари ташкил этилди. Улар Қорақалпоғистон Маданият ҳодимлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Янги уюшмалар фахрийлар саломатлигини яхшилаш, уларга моддий кўмак бериш билан шуғулланади. (ЎЗА).

## ТОМДИДАН ИККИ ТОМЧИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика тиббиёт илмий-текшириш институти олимларидан иборат махсус шиқорлар гуруҳи Томди туманидаги чорвалдорларни тиббий қуриқдан ўтказмоқдалар. Хорижий тиббий ускуналарга эга шиқорларни хизматидан томдилар миннатдор.

\*\*\*

Бироқ томдидик чўпон-чўлиқларнинг кўпчилиги кўнглига чироқ ёқсанг ёримади. Бойси туманининг 7 та жамоа ҳўжалиги чорвалдор дори-дармон учун давлатдан 59 минг 649 сўм қарздор (1995 йил 1 январгача). Уни тўлашга эса ҳўжалиқларда маблаг йўқ.

Чорва моллари ҳар йили бир неча хасталиқларга қарши 2 марта эмланмоғи лозим. Кўклам ва қузда. Кўклам эса ўтиб бормоқда. «Ветврач» дорихоначаси (аптека) эса бўм-бўш.

Темур ЭШБОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 30 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларини амалга ошириш ҳўжўтига эга бўлган ўн урта банки иштирок этди.

Сотув ҳўжўти 15,27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 27,60 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 31 майдан бошлаб ҳўсб ва боқхона туловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи. \*)

1 Австралия доллари	19,91
1 Австрия шиллинги	2,83
1 Англия фунт стерлинги	44,08
10 Бельгия франки	9,69
1 Голландия гульдени	17,79
10 Греция драхми	1,23
1 Дания кронаси	5,10
1 АҚШ доллари	27,60
1 Миер фунти	8,08
1 Ирландия фунти	45,08
1 Исландия кронаси	0,44
10 Испания песети	2,29
100 Италия лираси	1,68
1 Канада доллари	20,15
1 Кувейт динори	92,84
100 Ливан фунти	1,70
1 Германия маркаси	19,92
1 Норвегия кронаси	4,47
10 Португалия эскудоси	1,89

1 Сингапур доллари	19,83
1000 Туркия лираси	0,65
1 Финляндия маркаси	6,48
4 Франция франки	5,64
1 Швейцария франки	3,80
1 Швейцария франки	24,17
1 ЭКЮ	36,66
10 Япония иенаси	3,33
1000 Россия рубли	5,48
1 Эстония кронаси	2,48
1000 Украина карбованеци	0,21
1 Латвия лати	53,28
1 Литва лити	6,90
1 Қозғистон тенгеси	0,44
1 Молдова леи	6,05
1000 Беларусь рубли	2,40

Марказий банк 1995 йил 31 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикасини махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қиймати тижорат қийматини белгиледи:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 27,60 сўм.

— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 27,60 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади. \*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикасини Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н. А. НАЗАРБОЕВГА

**Хурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!  
Хурматли Нурсултон Абишевич!**

Қадимдан тарихи, дини-ю тили бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларининг қаламкашлари бугунги қийин ўтиш даврида ҳам бир-бирларига елкадош, маслақдош бўлиб, уюшган ҳолда эртанги кунга катта умид билан қараб, халқларимиз келажаги порлоқ бўлиши учун бор кучу гайратларини сафарбар этмоқдалар. Сизларнинг катта-кичик минбарлардан мамлакатларимизнинг халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаши ва халқларимизнинг фаровон турмуш кечириши учун қўлини-қўлга бериб юргизаётган сиёсатларингиз биз, қаламкашларга зўр куч-гайрат бағишламоқда. Қуёшли май ойида Қозоғистонда Ўзбекистон қўлининг тантанали очилишида сизларнинг билдирган эзгу ва ҳаяжонли истақларингиз бизни тўлқинлатириб юборди. Жумладан,

Ислоҳ Абдуғаниевичнинг: «Биз азалдан буюк Турон — Туркистон деган ерда яшаймиш, бизга битта қуёш нур сомади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни-қўшига ёрдам берган, ундан ҳол сўрган,

бири-бирдан нонини, ширин сўзини аямаган» деган сўзлари, шунингдек,

Нурсултон Абишевичнинг: «Ўзбекистон кунлари қозогистонликларга ўзбек миллий маданиятининг тиниқ булогидан ўз чанқоғини босишга ажойиб шароит яратиб бераётти. Бу икки халқнинг маънавий яқинлашиши, маданиятларининг ўзаро бойишида муҳим қадамдир» деган фикри барчамизнинг қалбимизда ақс-садо бериб турибди.

Биз, тили, дини ва дили бир халқлар бундан буён ҳам маънавий бирликда бўлишимиз зарур. Бу ҳамкорликни янада муҳайраклашнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Туркистон университети асосида Бутун туркий ижтимоий ва гуманитар фанлар университетини очши, бутун маданиятимизни, шунинг қаторида адабиётимизни ҳам янада йўналишида ривожлантириши айни мудиодир. Бу ҳамоҳанг овозларимиз қувватини ошириб, уни бутун дунёда эркин, баралла янрашига имкон беради. Икки элнинг эртанги кун порлоқ бўлиши тавминлаш неҳонасида ёзилган икки Президентнинг буюк ва эзгу ниятлари, иншооллоҳ, амалга

ошажак ва биз бу эзгу истақларни доимо қўллаб-қувватлаб, баҳоли қудрат улarga ҳамқору ҳамқадам бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Ушбу мактуб Олмаопада, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида икки мамлакат ёзувчиларининг учрашувида қабул қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси номидан: **Одил ЁҚУБОВ, Абдулла ОРИПОВ, Эркин ВОҲИДОВ, ШУКУРЛЛО, Жамол КАМОЛ, ЗУЛФИЯ, Носир ФОЗИЛОВ, Саид АҲМАД, МИРМУҲСИН, Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Қалдибек СЕЙДАНОВ, Уткир ҲОШИМОВ, Неъмат АМИНОВ, Ҳамид ГҲУЛОМ, Эркин АЪЗАМОВ, Хайридин СУЛТОНОВ, Ҳаким НАЗИР, Азим СУЮН.**

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси номидан: **Абдулла ТОҲИБОВ, Абдулжамил НУРҲЕЙСОВ, Қолтой МУҲАММАДЖОНОВ, Дехқон АБИЛОВ, Алжипар АБИШЕВ, Турсунхон АБДУРАХМАНОВА, Музаффар АЛИМБЕКОВ, Ҳамид ЕРҲАЛИЕВ, Ахат ЖАҚСИБАЕВ, Габбас ҚАБИШЕВ, Муҳаммад ҚОРАТОВ, Бейбит ҚҲИШИБАЕВ, Мухтор МАБАУИН, Тумонбой МҲЛЛАГАЛИЕВ, Қодир МИРЗААЛИЕВ, Қалдарбек НАЙМАНБЕКОВ, Азизхон НУРШАЙХОВ, Фариза УНҲАРСИНОВА, Абу САРСЕНБЕКОВ.**

## «ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ» ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИ ТУЗИШ ГОЯСИ ХУСУСИДА

МДХ суверен давлатларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳоли, бир томондан, мустақилликнинг шахсий стратегиясини белгилаб олиши, иккинчи томондан, иқтисодиёт, сиёсат, фан ва маданият соҳаларидаги интеграция ва ҳамкорликнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва ўзаро манфаатли шакллари бунун чоралар билан мустақамлашни қонуний талаб этмоқда.

Шу муносабат билан «Туркистон — умумий уйимиз» ижтимоий ҳаракатини тузиш гояси Мар-

казий Осие давлатлари халқларининг умумий ва энг муҳим манфаатларига дахлдор бўлиб, кечикти-

риб бўлмайдиган заруратга айланмоқда. Ишончимиз комилки, бу гояннинг ижобат бўлиши улларнинг беқийс иқтисодий ва маънавий салоҳиятларидан самарали фойдаланишга, халқларимиз фаровонлиги йўлидаги байналмилал жараёнлар-

нинг ижобий жиҳатдан мустақамлашувига ёрдам бўлиб қўшилиши. Бунинг учун бизнинг ёш давлатларимизда барча зарур тарихий, моддий ва маънавий асослар мавжуддир. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, биз, Қозоғистон Респуб-

ликаси Миллий фанлар академияси олимлари «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини тузиш гоясини тула қўллаб-қув-

ватлаймиш ва унинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун фаол ёрдам берамиз.

Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академиясининг академикалари: **Ж. М. АБДИЛДИН, Е. Е. ЕРҲИЖИН, А. К. КОШАНОВ, М. К. КОЗИБОВ, С. С. КИРАБОВ.**



### Мулоқот бошлаш йўлида

Америкага таширф бурган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержи, Клинтон маъмуриятдан Қашмир муаммосини ҳал қилишда Деҳли билан тезроқ мулоқот бошлаш учун Покистон ҳукуматига таъсир ўтказишни сўради.

Пранаб Мукержининг фикрича, Покистон ва Ҳиндистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилса, бундан ҳар икки мамлакат ҳам кўп нарсга ютади, мунозарали муаммолар биргаликда жиддий ҳаракатлар туфайли ўзининг ечимини топмаса, аксинча, унда анча нарсга бой бериллади.



СУРАТДА: Американин осмонлар бинолари.

### Бешинчи Президент

Президент сайловларида галаба қозongan Жак Ширак Франция Республикасининг бешинчи Президент сифатида 17 майдан расман ишга киришган эди.

Жак Ширак Елисей қасрида бўлиб ўтган тантанادا сўзга чиқиб, ўзининг биринчи галгаги вазира Франциянинг янги XXI асрга «қучли ва ажралмас» мамлакат сифатида киришига ёрдамлаштиш эканини таъкидлади.

### Гнеҳваналикка қарши

БМТ гнехванлик устидан назорат қилиш дастури бўйича Хитойга 2,9 миллион доллар беришга қарор қилиди.

Ушбу лойиҳа 3 йилга мўлжалланган бўлиб, Хитой полициясини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, назоратни кучайтириш, шунингдек, махсус армия тайёрлаш ишларини амалга оширади.

### Бир юз бир нафарга етди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати хабарига қўра, Зоирда ақсарият ҳолларда ўлим билан якунланувчи Эбол касаллигига чалинганлар сонин 101 нафарга етди.

Касалланганларнинг 75 фоизи ўлимга маҳкум, дейиллади-шу ҳақдаги хабарда.

### Аҳоли сонин ошмоқда

Хитой шаҳарларидаги аҳоли сонин тобора ошиб бормоқда. Хуеусан, мамлакат пойтахти Пекинда метрофилар сонин уч миллион нафардан ошиб кетди.

Улар, асосан, Хэбэй, Чжэньян, Хэнань ва Аньфой вилоятлардан келишган. Мусофирларнинг тахминан 75 фоизи Пекинда иш билан банд экан. Бу ҳақда аҳоли миграцияси бўйича ўтказилган Пекин йўғилишида маълум қилинди.

### Жаҳонда учинчи

Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, биринчи майда Шанхайда «Дунфан Минҷэжу» (Шарқ мўъжизаси) телеминосаси фойдаланишга топширилди.

Узунлиги 468 метр бўлган бу телеминосара баландлиги жиҳатидан Осиёда биринчи ва жаҳонда учинчи ўринни эгаллайди.

## БИРЖА БОЗОРИ ХОРАЗМГА КЕЛДИ

Хоразмда бозор тўқинчилигининг яна бир нишониси — республика мол-ҳомашё фонд биржасининг вилоят шохобчаси иш бошлади.

Дастлабки савлонинг ўзидаёқ жами қиймати 10 миллион сўмлик турли халқ истеъмолчи буюмлари ва саноят моллари улгурчи тарзда харид қилинди. Савдо-харид кўргазмасида воҳдатга 56 та йирик қорхона ва ташкилот жами 420 номдаги мол ва маҳсулотини тақдим этди. Вилоят «Улгуржибиржасавло» компанияси, Хоразм ипакчилик бирлашмаси, Урганч қурилиш ашёлари ҳиссадорлик жамияти, «Мавера — Пласт» кўшма қорхонаси, мезбеласизлик фабрикаси, чорвачилик машинасозлигини заводини тақдим этган мол ва маҳсулотларга талаб бирмунча катта бўлди. Ҳатто нарҳиға анча-мунча харидор дош беролмайидан Хоразмининг машҳур «Мерседес-бенц» автомобилари, Хитой технологияси асосида урганчилик тўқимачилар ишлаб чиқараётган помбархт ва велюр газламалари, Ҳива гиламлари ҳам ўз талабдорларини топди.

Савдо-сотик миқёслари бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин эди. Бироқ банк-пул муомаласидаги қийинчиликлар, улавларнинг ўз вақтида амалга ошмаслиги қасридан қўлгача зарур ва харидорбоп истеъмолчи буюмлари, хомашё маҳсулотларини сотилмасдан қўлиб кетди.

Аммо Ўзбекистон мол-ҳомашё фонд биржасининг маъмур шохобчаси республика вилоятлари орасида биринчилардан бўлиб Хоразмга ташкил этилгани, бунинг учун ҳар томонлама пухта тарзда қўрилган маҳалли «Улгуржибиржасавло» компаниясининг ибратия тадбирларидандир. Компания раҳбари, вилоят кенгаши депутати Қадимбой Оллабергандонинг таъкидлашича, биржа савдоси ҳафтага 2 марта мунтазам ўтказиб турилади. Урганч шаҳри марказидаги қўрқам ва салобатли иморат савдо катнашчиларни ихтиёрига берилади. Биржа савдосида эса нафақат қорхона ва ташкилотлар, балки хуеусий ёки юрлик шакелар, барча олдий фуқаролар ҳам ўз мол ва маҳсулотлари билан қатнаша оладилар. Уй-руғор учун нозарур ёки истеъмолга яроқли асбобанжом ва ускуналар ҳам биржа орқали савдога чиқарилади. Савдонинг яна бир ибратини жиҳати шуки, бир ердан харид қилинган мол ва хомашё учун божхона солиғини жорий қилинмайди, уни вилоятдан ташқарига чиқариш учун махсус рухсатнома (лицензия) ҳам талаб этилмайди.

Биржа бозорининг дастлабки савдосида «Улгуржибиржасавло» республика ҳиссадорлик уюшмаси рашен Ю. Шаронов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Ёқубов ҳозир бўлилар.

А. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Ёзув машиналарини солаш-таъмирлаш касби — калмёб касблардан бири. Уста Шахриддин Хонкедиев ана шу соҳанинги ёш, лекин ўз ишига ниҳоят-да талабчан ва муҳир вақили. Шахриддин тўрт йилдики, Қашқадарё вилоятини Халқ демократик партияси қўмитасини хузурида ташкил этилган устакхонада хизмат қилади. У йилга 100 дан ортиқ ёзув машинасини таъмирлаб, ўз эгалари қўлига топширади. Бу калмёб касб эвасининг кўрсатаётган хизматларидан кўнчилик мамнуни. СУРАТДА: Шахриддин Хонкедиев иш устиди. Ш. ШАРОПОВ (Ўза) олган сура.

### Далил ва таҳлил

Бугун биз истиқлол йилларида қийинчилик билан, лекин юксак кўтаринчилик руҳида амалга оширилган ишларни яна бир қарра сарҳисоб қилиб, мамлакатнинг келажак тараққиётини дастури билан ишлаб чиқиб, уни илчи рўёбга чиқаришга киришдик. Иқтисодиёт олим Мурод Шарифхўжаевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Истиқлол истиқболлари» китоби худди шу мавзуга бағишланган жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Кенг китобхонлар омма-сига мўлжалланган ушбу рисола VII бобдан иборат. Унга йлакат мағиздек бир-бирини тўлдирувчи еттита йирик мақола киритилган бўлиб, муаллиф ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ишонч билан мустақилликни мустақамлаётган юртбошимиз бошлиқ халқимизнинг ижодий изланиши ва самарали меҳнатини чуқур таҳлил қилиш орқали унинг келажати буюк давлатни вужудга келтиришдаги ўрни ва ролинини кўрсатиб беради. Хуеусан, «Жаҳон меҳробида инсон тақдирини сарлавҳали бошловчи мақолада истиқболимизнинг халқаро майдондаги таг-замини, уни тақомиллаштиришнинг долзарб муаммолари хуеусида фикр юритилди. Тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясида Президентимизнинг Марказий Осиёда тинчликни мустақамлаш, ядро қуролини тутатиш, халқаро нарқобизнести қарши кураш, Орол муаммосини ҳал этиш каби масалаларни кўндаланг қўйиб, мазкур масалаларга жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортиши эса истиқлолнинг, айни вақтда «етти улчаб бир кесиб» тамойили асосида олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг олтин меваляри эканлиги таъкидланган.

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҚУДРАТИ

Китобнинг «Фаровонлик қалити» бобида ёзилишича, олиш майдонини эслатади. Унинг энг асосий ушакталаридан бири иқтисодиёт, урғироғи, жаҳон ҳамжамиятида «Ислоҳ Каримов ислохотларини» деб аталаётган ислохотлардир. Китобда мазкур ислохотларнинг асосий тамойиллари, востилари ва йўналишларининг моҳияти, вазибалари, мақсадлари жуда аниқ қилиб йфодаланган.

Ушбу фикрнинг мантқиқий давомини эса китобнинг «Иқтисод ва маънавият муштарак бўлганда» бобида ўқиймиз. Бу — бежиз эмас. Чунки ижтимоий ҳаётда иқтисод ва маънавият муштарак ҳолатда бўлиб, тўғрироғи, унинг икки палласини ташкил этади. Мазкур бобида

қўннинг азалдан юртбошимизга ишониб, улугъ ният билан яшайши, меҳнат қилиши, ҳақиқат тантанаси, кишилар ҳақида айланганда қаратмоқлари керак, деган гоғийни илгарини сурди.

Давлат қай ҳолатда буюк бўлади? Бу саволга муаллиф атрофлиқа жавоб бериб, «Мамлакат аҳди билимдон, саволли бўлган ҳолатида унинг келажати буюк бўлиши мумкин. Билимдон, ишбилармон ёшлариз буюк келажак ва ёқда турсин, ҳатто эртанги кунини ҳам тасаввур этиб бўлмайди», дейди. Ва бунининг исботи улроқ республикамизда олиб борилаётган ишларнинг қўлими, истиқболли, мавжуд муаммолар ва улларнинг ечимига оид бий

### ҚИММАТНИНГ ҲИҚМАТИ... ЙҮҚ!

СУРХОНДАРЕДАГИ Ҳамид Олимжон номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг раиси Хуррам Ҳожи Боймуродов айтди: — Жамоа ҳўжалигини тутганимиздан сўнг уюшма бошқарув аппаратида 11 киши қолдик. Шуларнинг уч нафари назоратчи. Яқинда ҳисоблашиб кўрдим — уч ойда уч назоратчи 260 миғт сўмлик ёнилиги ёқипти! Энди машина йўқ, от билан юрасизлар, дедим. — Улар нима дейди? — Қаёққа борар эди, айтагани қилади-да. — От бердингизми? — Улариники бор, миғниси-да... Ана шунақа: «Қиммат беҳиқмат бўлмас!» деган мақолни бироз тахрир қилишга тўғри келлади. Тоғилдин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ҲОКИМЛИКЛАР, ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИНИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фахрий ёрлик. Мустақил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини кўпматлиқ саналар, касб-корни шарафлаш кўнлари қарор топган. Мустақиллик байрами ва бошқа шодийна маросимлар илгор фуқаролар, фаол меҳнаткашларини тақдирлашсиз ўтмайди. Шу мақсадда Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамгарманинги «Истиқлол» ноширлик марказини «Фахрий ёрлик» намунасини тайёрлади ва буюртмаларга мувофиқ уни тарқатмоқда. Муросоат учун мавзил: Тошкент шаҳри, Наовий қўчаси, 30-уй, ўнғ қанат, иккинчи қаават. Тел.: 44-37-86, 44-37-87.



Теннис

КАРВОН ЎЗ САРБОННИНГ ЎЗГАРТИРМАДИ



Фарғонада сателлит турнирининг учинчи босқичи якунланди. Ҳамюртимиз Олег Огородов бу сафар ҳам барча рақибларидан устун келиб, Буюк ипак йўли бўйлаб ўтказилаётган сателлит мусобақаларида карвонбошлик қилишда давом этапти.

лик Мартин Белгравердан (6:3, 4:6, 7:5) устун келган эди. Бу икки теннисчи ўртасидаги учрашув кескин ва қизиқарли ўтганлигини баҳс уч сетгача чуқурлигини ҳамда ҳар бир сет натижасидаги фарқнинг қисқалигидан ҳам билса бўлади. Дастлабки сетда ҳамюртимиз устунлиги сезилди ва Дмитрий 9-геймдан сўнг галаба қозонди — 6:3. Иккинчи сетда эса Жером 6:4 ҳисобида устун келди. Хал қилувчи сетда тенг кураш борди. Француз теннисчиси фақат тай-брек ҳисобидагина ҳамюртимиздан устун келди.

Финалда Жером биринчи босқичдаги каби Олег Огородовга қарши уйнади. Дастлабки икки сетда у Олегга жиддий қаршилик кўрсатди. Аввалиги сетда Олег (7:6), кейинги сетда Жером (4:6) зафар қозонди. Учинчи сетда эса Олег яққол устунликка эришиб, галаба қозонди ва «Буюк ипак йўли» турнирининг учинчи босқичида ҳам галиб чикди.

Жуфтликлар баҳсида Огородов яна ўз шеритини алмаштириш натижа бермади. Бу сафар Олег австриялик Стефан Лайнер билан бирга корта чикди. Дастлабки икки учрашувда улар галаба наҳисасини суришган бўлса, ярим финалда юртдошлари миз Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевич жуфтлигига қаршилик кўрсата олмади. Дэвис кубог баҳсларида ҳам биргаликда уйнаётган Вадим ва Дмитрий «Буюк ипак йўли» турнирининг учинчи босқичи финалига чи-



қишга муваффақ бўлишди. Финалда улар Франция дўзи Бойе — Лосталодан 7:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Шунингдек, Бойе — Лостало жуфтлиги «Бий-95» турнирининг барча босқичида галиб чикди.

Шу кунларда пойтахтимиздаги «Юнусовода» теннис кортида сателлит турнирининг финал босқичи — «Мастерс» мусобақаси ўтказилди. Унда «Буюк ипак йўли»нинг Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада ўтказилган уч босқичи якунига кўра энг кучли теннисчилар қатнашиб, «Мастерс» турнирида галиб чиккан теннисчи 800 АҚШ долларини билан мукофотланди. Финалчи 600, жуфтликлар галибига 393,75 доллар мукофот бе-

рилади. «Бий-95» сателлит турнирининг умумий мукофот жамғармаси 25 минг долларни ташкил этади. Шу кунгача ҳамюртимиз Олег Огородов турнирда ҳаммадан кўп миқдорда (2681) мукофот пули ишлади. Бу борда француз Жером Лостало иккинчи, Дмитрий Томашевич учинчи ўринда борапти.

Расул ЖУМАЕВ, Сергей ДАНИЛОВ, «Халқ сўзи» ва «Народное слово»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистоннинг икки кучли теннисчиси — Олег Огородов (ўнгда) ва Дмитрий Томашевич.

Д. МИХАЙЛОВ, А. МАМАДАМИНОВ тасвирлари.

Санъаткор ўйлари

Сиз суратда кўриб турган йигит Азамат Расулов сипо, босиқ ва вақтин кўринса-да, аслида тиниб-тинчимас, ғайрати ичига сиғмаган, қачон қарасанг, тил-юзуриб турадиган, ҳаловатга беғона одамлар тоифасидан. Бухоро санъат билим юрти, Низомий номидagi Тошкент педагогика институтининг мусиқа факультетини тугатган. Бастакорлик билан ҳам шуғулланиб туради. Уч йилдан бери «Зарафшон» ансамблининг директори. Бизнинг у билан суҳбатимиз бозор муносабатларига ўтти даврининг вақтинчалик қийинчиликлари, хуусан, ансамблининг бузғини кундаги фаолияти ва ижодий кайфияти атрафида бўлди.



ЭП-ЮРТГА МАНЗУР БЎЛАРМИ ИЖОД ҚИЛИШ УЧУН ИНТИЛАЯПМИЗ

— Азаматжон, аввало, ансамблининг ташкил топгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

— У 1987 йили Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров раҳбарлигида «Бухоро» номи билан тузилган эди. Бирор йилча мазкур ном билан фаолият кўрсатди. Кейин эса репертуаримиз асосан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарь, Сурхондарь воҳалари фольклор қўшиқларидан иборат экани ва бу воҳалар Зарафшон ҳудудида жойлашганини назарда тутиб, ансамбль номи «Зарафшон» деб ўзгартирилди. 16 нафар раққоса, 12 нафар мусиқчи, 8-10 нафар ашулаларимиз бор. Ҳаммамиз биргаликда эл-юртга манзур бўларми ижод қилиш учун интиляпми?

— Бастакор сифатида ёш баланд гуруҳларга муносабатингиз?

— Шерини ҳар бир қўшиқчининг ўзи тандайди. Ҳабибия, Жамол Камол, Ориф Омилов, Муҳаммад Юсуф шерлари билан айтадиган қўшиқлар репертуаримиздан жой олган. Навоий, Фузулий, Муқимий, Отаҳий, Нодира загалари — мумтоз шерият намуналари ҳаминша тилимизда. Аҳмаджон Шукуров эса кўпроқ далалари — Анзизнинг китобини варақлайди, шерларини ашула қилиб айтади.

— Бастакор сифатида ёш баланд гуруҳларга муносабатингиз?

— Улар жуда кўпайиб кетди. Қўлидан келса-келмаса, асосан, ёшлар ўзини тижорат билан санъатга ураётгани, деб уйланибман баъзан. Унингиз айтинг, ола-була қийинчилик олаб, чет эл мусиқсига ўзбек сўзини тиклаштириш санъатини? Мусиқа шовқин-сурондан, ашула бақариб-чақирибдан иборатми? Нима эмиш, «Кел-кел, кел, мени сев-сев». Мана шундай мазза-бемаза гуруҳларни халққа таништираётган радио ва ойнаи жаҳон раҳбарларига ҳам ҳайронман. Менга қолса «Ялла» ансамбли қошида мана шундай гуруҳларнинг баландий савиясини аниқлайдиган кенгаш тузиши тақдир этардим. Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров мусиқа билан сўз уйғун-

қайдан танишдик. Куй ва қўшиқларидан ўргандик. Шу йилнинг сентябрь ойларида яна Покистон билан Корея Халқ Республикасига тақлиф этилганмиз.

— Кўшиқ яратишда шоирлар билан қандай ҳамкорлик қиласизлар?

— Омонлик бўлиб тура, яна икки йилдан сўнг ансамблининг ўзи йилнинг нишонлайми. Бунга тайёргарлик деб бочаси сифатида «Бухоро сайли» деб номланган янги дастуримизни яқинда Халқлар дўстлиги концерт залда намоиш этилик. Ундаги рақсларни Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова сахналаштирган. Мусиқаларни эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улмас Расулов басталаган. Айна пайдада ушбу дастурни қайтадан ишлаб, янги куй-қўшиқлар, рақслар билан бойитмоқдамиз. Кези келганда жой масаласи танқислигини айтиб ўтмоқчидам. Илгарти бинимиз—Свердлов концерт зали таъмирлаш баҳонаси билан қандайdir таъмирларга берил юборилди. Шу муносабат билан аввал бир жойда бўлган филармония ансамбли ҳар томонга тарқалиб кетди. Биз Толижон Солиқов номидаги шаҳар маданият уюлида ижарада турибмиз. Бу ёғни тасаввур қилверинг. Жой тор, ижодий шароит етишмайди. Қиссадан ҳисса шукла, давлат йўли билгани, ҳомилар томонидан, ишқилиб, илгартидек бир жойда ижодий муҳит, етарли шарт-шароитларга эга бўлса, биринчидан, ижара босилсан қулулардик, иккинчидан эса санъат йўлида янада маҳкамроқ бел боғлардик.

— Улар жуда кўпайиб кетди. Қўлидан келса-келмаса, асосан, ёшлар ўзини тижорат билан санъатга ураётгани, деб уйланибман баъзан. Унингиз айтинг, ола-була қийинчилик олаб, чет эл мусиқсига ўзбек сўзини тиклаштириш санъатини? Мусиқа шовқин-сурондан, ашула бақариб-чақирибдан иборатми? Нима эмиш, «Кел-кел, кел, мени сев-сев». Мана шундай мазза-бемаза гуруҳларни халққа таништираётган радио ва ойнаи жаҳон раҳбарларига ҳам ҳайронман. Менга қолса «Ялла» ансамбли қошида мана шундай гуруҳларнинг баландий савиясини аниқлайдиган кенгаш тузиши тақдир этардим. Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров мусиқа билан сўз уйғун-

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

— Албатта. Малайзияда, Канадада бўлди. Утган йили Покистон Ислоом Республикасида бўлиб утган халқроқ фестивалда иштирок этдик. Уларнинг санъати, маданияти билан

МҲСК ДАДИП ОДИМЛАЯПТИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати тўққизинчи тур учрашувлари турнинг жадалига даража катта ўзгаришлар киритмади. Саққиз учрашувда дарвозалар ўн тўққиз марта ишғол қилинди. Мавсумдаги жами киритилган тўплар ролла-росса 200 та бўлди.

Чемпионат пешкадами Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси бу турда Тошкентнинг «Трактор» клуби меҳмони бўлиб, икки очко юқотди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Шухрат Шамсиев ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимининг 25 дақиқасида мезонлар ариям ҳимоячиси Бахтиёр Жафарқулов жавоб тўпини киритди. Гарчи икки томонда яна тўп киритиш учун қўлай имконият бўлса-да, ҳисоб ўйин охиригача узгармай қолди — 1:1.

«Нефчи» билан турнир жадалига изма-из келётган МҲСК жамоаси ушбу турда сафарда ўйнаб, муҳим уч очкони қўлга киритди.

Ҳарбийчилар Жиззахда «Сўздиёна»нинг мағлубиятига (0:1) учратилди. Ягона тўп муаллифи Нилзам Насриддинов бўлди. Шунингдек, «Политотдел» ўйингоҳига учрашув тақдирини ҳам ўзига улаш қилди. Қизғини шундаки, ўтган турда «Политот-

дел»ни тарк этиб, «Навбахор»га ўтган Олег Шашкич собиқ жамоаси дарвозасини ишғол этди. Ушбу галабадан сўнг «Навбахор» турнир жадалининг туртинчи поғонасига кўтарилиди.

«Пахтакор» ва «Нурфшон» жамоалари ўртасидаги ўйин бу йилги мавсумдаги энг узоқ вақт қилинган бўлди, дейиш мумкин. Учрашув 97 дақиқачага чўзилди ва «Нурфшон» ўйинчиси Юрий Худоберонинг жавоб тўпини киритиши билан якунланди. Бундан 17 дақиқа муқад-дими «Пахтакор»нинг Рустам Дўрмонов ҳисобини очган эди. Эътиборга молик томони шундаки, ўтган турда ҳам «Пахтакор» Фарғонада сўнги дақиқада галаба-

ни қўлдан бой берган эди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Наврўз» — «Чирчиқ» — 2:0, АСК — «Машъал» — 4:2, «Темирйўлчи» — «Динамо» — 2:0, «Янгир» — «Атласчи» — 3:0. Навбатдаги тур учрашувлари

Table with 7 columns: Team, Goals, Assists, etc. for various matches.

бугун ўтказилди. Турнинг марказий учрашуви Наманганда бўлиб ўтади. «Навбахор» Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини қабул қилади.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

Маданият янгиликлари

ЎЗБЕК ШОИРЛАРИ — БИРИНЧИ

Яқинда Туркия Дайват ваффи туркий жумҳуриялар ва туркий ўлкалар шоирлари ўртасида пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом таваллуд тоғли қунарига бағишлаб «Қутлуғ» тугалли ҳафтаси» доирасида Муножот анжумани ўтказди. Ҳайит белгиланган тўққиз мукофотнинг тўрттасини мажмур халқроқ анжуманда галиб чикқан ўзбек шоирларига беришга қарор қилди.

Шоир Рауф Парфига «Муножот» асари учун биринчи мукофот, шоир ва драматург Тура Мирзога «Яратганга ёлвориш» асари учун иккинчи мукофот, озарбайжон шоири Маҳмет Аслонга «Ла илоҳо иллоллоҳ» асари ва бошқирд шоири Марс Нуриевага «Муножот» асари учун иккинчи ва учинчи мукофотлар берилди. Шунингдек, бешта рағбатлантирувчи мукофотнинг иккитаси Тожикистонда яшайётган ўзбек шоирлари — Неймат Иброҳимов билан Мухаммадали Мухаммадкаримовларга муносиб кўрилди.

Мукофотга сазовор бўлган шерлар Туркия матбуотида чоп этилди ва алоҳида китоб ҳолида нашр этишга тавсия қилинди.

А. ҚОДИРОВА.

«ИККИ ҚЎШНИ МОЖАРОСИ»

Жиззах тумани маданият бўлими қошидаги халқ театри актёрлари ўз ҳамюртлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Иброҳим Дошининг шу номи икки парда, тўрт кўриниши замонавий комедиясини сахнага қўйдилар.

Ҳақамлар ҳайати Тошкент маданият институтини битирувчиси Олимжон Маматқуловнинг диплом иши сифатида бу сахна асарига юқори баҳо бердилар.

Маҳаллий драматургининг иккинчи бир асари — «Викдон азоби» фожиасини режиссёр Аҳмаджон Уринов Юнус Ражабий номидаги вилоят театри сахнасида жаззаҳликларга намойиш этди.

— Бу жуда катта воқеа бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Абдурахмон Каримов. — Уч йил ичида, мустақиллик шарофати билан маҳаллий ижодкорларнинг йигирмадан ортиқ насрий ва назмий рисоалари, ўнлаб халқ оғзаки ижоди намуналари шу ердаги муҳаррирлик-ноширлик корхонасида чоп этилди. Мана нийҳат, Жиззах адабий муҳити қайта жонланиб, ўз драматургиясининг шу юрт воқелигини ифодалаган сахна асарларини томоша қилиш бахтига муяссар бўлдик.

Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари Ватанимиз тарихига оид яна бир кашфиётга қўл уришди.

25 МИНГ ЙИЛЛИК ҚАБР

аниқлашчиси, унга 30-35 ёшлар чамасидаги эркак киши дафн этилган экан. Агар 30-йилларнинг охирида Сурхондарёдаги Тешиктош горидан топилган неандртал одамнинг қиёфаси фақат бош суяги асосида тикланган бўлса, Оҳаликдаги қабрда дафн этилган кишининг барча суяк-

Kamalak - TV эфир-кабель телевиденияси

8 та энг яхши ТВ каналлари — доимо Сизнинг қўлингизда

1.Pr. Sport - спорт. 2."Останкино" ТВ. 3.ТВ-6 Москва. 4.Россия ТВ. 5. [V]-мусиқали. 6.BBC - янгиликлар. 7.Star Plus - кўнгилочар. 8.Cine Plus - фильмлар.

Кўрик дастур — 1, 2, 3, 4, 5.

Катта дастур — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.

Ҳақ тўлаш — хоҳишига қараб, шунингдек VISA кредит картчаси билан.

Бизнинг нақшлар: "Главпочтмант" ва "Янги телеинформ".

Тел.: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс: 34-01-11.

Ташкилотимиз қишлоқ хўжалик, саноат корхоналари ҳамда хўжалиқлар учун жуда ҳам зарур бўлган газ-сув трубалари, металл, прокат, қурилиш моллари ва техникаларини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмларини сотиб олишингизда Сизга ёрдам беришга тайёр.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй (мулжал: «Халқлар дўстлиги» метро бекасти). Тел.: 45-72-55.

Халқ Сўзи Народное Слово logo and address information.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

Abdullah's advertisement with logo and contact details for various services.

Ўзбекистон бозорларининг энг йирик таъминотчиларидан advertisement for Abdullah's group of companies.